




«ЛИБО» КЕТДИ, «ИЛИ» ҚОЛДИ

Улар, минг афсуски, аллақачон 9 йиллик жазони ўтаётган Ҳошимовга қўйилган айбловдаги ноаниқликни қисман аниқлаштириш, унинг зиммасидаги «либо с угрозой применения такого насилия»ни чиқариб ташлаш учунгина ва Ҳошимовга оид суд актларини қолган қисмини ўзгартиришсиз қолдириш учун овоз берганлар...

2-бет

МОСКВАНИНГ ШУБҲАЛИ ҲАҚИДА

У Россия ҳарбийларининг Тожикистонда бўлиши «наркомафиянинг ишини оsonлаштиради», деб таъкидлайди.



3-бет



Владимир ВИСОЦКИЙ:

Кетдим, Рассеяда қолмади жисмим, Йиғлаб қолди мени ёқтирган қизлар...

4-бет



HURRIYAT

1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan

№1 (307) 2003-yil 8-yanvar

ВАЛЮТА ҚИЙМАТИ

1 АҚШ \$ — 970.08 сўм
1 Евро — 1012.28 сўм

«Хуррият» сизники, Сиз ХУРРИЯТники бўлинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз: Яққа обуначилар ва ташиқлотлар учун — 233.



Йилбоши

ИЗҲОР УЧУН БАҲОНА

Бу йилги қиш чиройли, файзли келди. Бугун у ер-бу ерларда кўклар кўринган замин, дов-дараклар оппоқ қор остида кўринмай қолса-да, эртасига кўёш чарақлаб, қорлар эриб кетаяпти. Кўнгил ёришяпти. Учинчи кун яна қор. Тетиклантирадиган, хаёлга гарқ қиладиган, майдалаб ёғатган сирли-сехрли, оппоқ қор.

Қадимги битикларда оташин турк муомтоз вакили Юнус Эмро: «Эрта Хизр бўлур гадо» дейдилар. Бизнинг илдизларимиз, бобоканонларимиз қандай сўз айтишни билганлар. Одамларнинг юракларига таъсир этishi санъатини чуқур эгаллаганлар. Бугунги гадининг эртага Хизрга айланмоғига чиндан-да ишонган Ошиқ Юнусдан келиб чиқиб, Сиз азиз дўстларимизга янги йил шундай нилят қилмоқчимиз.

Иншооллох, сизнинг бугунги гўдақларингиз, болаларингиз ҳам эртага даҳоларга, буюкларга, элнинг қорига ярайдиган улут инсонларга айлангайлар!

Абдулла Авлоний ҳазратлари: «Бизнинг вазиғамиз — миллатга бўй ва эн бўладиган, ақл бўладиган фарзандлар ўстирмақ ва тарбияламоқдан иборатдир», — деб миллат олдинга бажарилмоғи гоат мушкул бўлган ҳолда, гоат зарур вазиғларни бежиз қўймаган эдилар...

... Еру осмонни тўтиб, майдалаб ёғатган оппоқ қорлар ора-лаб, шулар ҳақда ўйлаб бораётман. Жалолдин Румий ҳазратларида бундай сатрлар бор:

Кел, таваккулга айла ҳар бир қорға,
Эк зироят, сўнг суяк Жабборга!

Бу катта мақсадлар йўлида биз Жабборга суяниш, яъни Аллоҳдан мадад кутиш билан бирга ўзимиздаги барча имкониятларга ишга соялмоқчимиз? Ҳар биримизнинг ўз виждонимиз, боболаримиз, халқимиз олдида юзимиз оқми? Эътиқод билан қилган амалларимиз, ҳаракатларимиз нисбатинан топган-да, болаларимиз биз истган даражаларга кўтарилинсалар.

Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом: «Болалардан жаннат чечакларининг иси келадилар», — деб лутф қиладилар. Шу жаннат чечаклари, соҳир қалбди болаларимизнинг шафот насиб этиб, шояд бизнинг тоабд юзимиз ёруғ, қўлимиз билан бўлган!

Янги йилнинг оппоқ қорлари қилиншади, ер юзини қоплаб боради... Хайём ҳазратларининг мана бу сатрлари ҳам минг йиллардан бери ёғадиган топ-тоза, оппоқ қорлардай кўнгилда янгидан жаннат бериляпти:

Сен, мейдан олдин ҳам тун-кун бор эди,
Айланган фалак ҳам бутун бор эди.

Тупроққа авайлаб қадимингиз кўй,
Бу тупроқ қора кўз бир нигор эди.

Бу оппоқ қорли, қўлимиз, елкаларимизга кўни кеча ўтган лайлалат қадар қушлари кўнайдиган бу фаровон кўнларга ҳам кимлар етиб келди, кимлар етмади!

Қаторларингиздан хато кетмасин! Бу байрамлар, бу дорилон мунараблар, бу ганимат умрини бир-бирингизга пешвоз юриб, бир-бирингизни севиб, чиройли, мардона яшагайсизлар.

Янги йилнингиз кутлуг бўлсин!

Бу хуш айёмлар, бегим кўнлари бир-биримизга меҳру муҳаббатимизни айтиб олиш учун бир баҳонадир.

Эски дўстларимизга

Эски йил ҳам ўтди, тикондир, гулдир,
Янги йил кучоғини ишқ билан тўлдир.
Гармайд ҳар йилнинг бахти, қайси мулдир,
Аларга қайсиун учратма, Худо!

Янги йил янгимиз қадридонларсиз,
Эски дўстларимиз-эй, қўйай Сизга тиз.
Йўлларига ҳазрат Али соғай иш,
Ҳирқаларига лой сачратма, Худо!

Қодирсан, рўёни ростга айланттир,
Мас келмас дўнени мосга айланттир.
Ашадий ёни ҳам дўстга айланттир,
Аларнинг кўнлига Сен ботма, Худо!

Шафқ бер-у, там берма, ўқимасинлар,
Қилчидай қадлари буқамасинлар.
Болалар гарқ пишсан, тўқимасинлар,
Аларнинг боғига тош отма, Худо!

Мадад бер, сал ҳорғин умқоқларига,
Эй турма, тойдирма кечмақларига.
Янги йилнинг янги қўнларига,
Эски дўстларимдан ажратма, Худо!

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

Сўров

Янги йилдан нималар кутянимиз?

Янги 2003 йил арафасида жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» Маркази Республика аҳолиси орасида фуқароларимиз янги йилни қандай кайфиятда кўтиб олаётганилари ҳақида тезкор сўров ўтказди. Сўров қуйидаги натижаларни кўрсатди.

Янги йилда шахсан ўзингиз ва оилангиз учун нималар кутмоқдасиз?

(сўралганларнинг сонидан фоиз ҳисобида)
хизмат бўйича юқори босқичларга кўтарилиш — 32,4фоиз
оиланинг моддий аҳолини яхшилаш — 29,0фоиз
соғлиқни тиклаш — 21,0фоиз
билим олиш — 8,7фоиз
савҳатга чиқиш — 8,7фоиз

Ҳамкоримиз

«БУХОРОТЕКС»



1. КАМАЛАК РАНГИДА МАТОЛАР

Тамал тоши ўттиз йил муқаддам қўйилган бўлса-да, «Бухоротекс» ўзининг иккинчи умрини истиқлол йилларида бошлади, десак, иштибоҳ бўлмайди. Акциядорлик жамиятидаги кескин ўзгариш 1994 йилда қорхона Швейцариянинг «Ритер» йигирув мажмуасини сотиб олганидан бошланди. Орадан икки йил ўтган, жамоа яна 5184 йигирув урчугига эга ускуналарни сотиб олди ва 1997 йилдан бошлаб йилга 1000 тоннадан зиёд олий сифатли қалава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.

СУРАТЛАРДА: 1. «Бухоротекс» маъмурий биноси; 2. Тўқувчи қизлар.

(Давоми 2-, 3-бетларда)

Мулоқот

Газеталарнинг ўқувчи қўлига тезроқ етиб боришни таъминлашда Рустам ҚОСИМОВ раҳбарлигидаги «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси ҳодимларининг бугунги хайри ишлари эътирофи муносиб. 2003 йил учун обуна мавсумининг биринчи босқичи низоҳланиши арафасида амалга оширилган ва режалаштирилган ишлар хусусида Бош директор билан гурунлашдик.

Рустамжон ака, аввало сизни, сиз орқали барча меҳнат жамоамизни қириб келган янги йил билан кутлаймиз. Маълумки, йиллар алмашиётган маҳал кўпчилик ўтган йил мобайнида қандай натижаларга эришганини сарҳисоб қилади. Қелинг, сўхбатимизни 2002 йилда қўлга киритилган ютуқлар ва мавжуд муаммолар хусусида фикрлашишдан бошласак.

— Раҳмат. Биз ўтган йилги фаолиятимизга назар ташласак, аввало, газетхон ва таҳририятлар ўртасида ўрнатилган илҳим муносабатдан қониқиб ҳосил қилганимизни алоҳида таъкидлаб ўтмасам бўлмас. Бундай дейишмига асос бор, албатта. Хусусан, 2002 йил январ ойида обуначиларимиз сони 2001 йилдагига нисбатан 13 фоиз кўпайган бўлиб, жорий йилда бу кўрсаткич айрим наشرларда қамайган бўлса, айримларида кўтарилган. Бундан ташқари чакана савдо орқали тарқатилётган нусхалар сони бирмунча ошди. Яна шуни ҳам айтишни керакки, бу йилги обуна мавсуми хали низоҳсига етмаган бўлиб, бу жараён йил мобайнида давом этади. Натيجида обуначиларимиз сони аввалги йилдагидан кўра анча ошиб кетишига ишончимиз комил.

— Маълумки, бугунги кунда юртимизда 500 дан

ортик номдаги нашрлар чоп этилади. Бу — компания зиммасига намунали хизмат кўрсатиш учун анчайн масъулият юклайди, албатта. Сурамоқчи бўлганим — бугун босмадан чиқарилган газетга қанча вақтда обуначилар қўлига бориб етади?

— Ҳар кун эрта тонгда вилоят марказларига самолёт, поезд, автомашиналар орқали газеталар юборилади. Уларни чекка-чекка қишлоқларга етказиб бериш учун

— Бу борада талай ишларни амалга ошириб улурдик. Биргина Тошкент шаҳрининг аҳоли давжум жойларига 106 та янги дўкон ўрнатилди, 55 та дўкон компаниямиз ҳисобидан вилоятлардаги жойларга юборилган. Ўз навбатида компаниянинг вилоят бўлиmlари кучи билан 28 та ана шундай дўкон фойдаланишга топширилди, газетхонларга хизмат қилиб турибди. Булардан ташқари, яна 50 та дўкон тайёрланяпти. Яқин кўнларда уларни ҳам

кейин нашрлари мунтазам равишда бизга юборилади. Интернет тармоғида ўз сайти-миз мавжуд бўлиб, бундан обуна бўйича вақтли нашрларимизни дунё давлатларига тарқатишда фойдаланамиз.

— Айримлар «Матбуот тарқатувчи»ни монополист деб ҳисоблайди?

— Йўқ, мутлақо ундай эмас! Хусусан, «Ўзбекистон почтаси» Давлат акционерлик компанияси таркибига кирувчи жамиятлар бугунги асосий рақобатчиларимиз ҳисобланган. Биргина поштахизматининг ўзидан матбуот тарқатиш билан ўндан зиёд хусусий фирмалар шуғулланган. Булардан ташқари, бозорларда, вилоят ва қишлоқларда яқка тартибда фаолият олиб борувчи шахслар мавжудки, бу — «Матбуот тарқатувчи»нинг монополист эмаслигини кўрсатади.

— Демак, бу соҳада ҳам ўзига хос рақобат шаклланиган экан-да?

— Ҳа-да! Лекин биз ҳалол рақобат тарафдоримиз. Чунки бизнинг, қолаверса, газетчи таҳририятларининг бугунги мақсади факатгина фойда топиш эмас. Биз газетхонни юртимизда, дунёда рўй бераётган янгиликлардан ўз вақтида бохабар этишни асосий вазиғамиз, деб биламиз.

— Оқдиди газетхон сифатида айтинг-чи, бугунги матбуотимиздан кўнглингиз тўладими?

— Қўлгина нашрларни доимий равишда кузатиб бораман. Кейинги йилларда гапиришга арзиғулик талай ютуқларни қўлга киритдик, бирок бундан-да яхшироқ натижаларга эришиш учун етарли шароит яратилган, деб ўйлайман.

— Ажабмаски, ниятингиз ижобат бўлиб, 2003 йил ўзбек матбуотида эришган юксак муваффақиятлар билан ёдимида қолса...

Даллах БОСИТ тайёрлади

Маҳалла

Тахтапул Шош (Тошкент) нинг энг қадими даҳаларидан бири ҳисобланади. Маҳаллада 7000 нафар киши истиқомат қилиб миллий урф-одатлар яхши сақланиб келган. Маҳаллада худудидан катта тўйхона қурилган бўлиб, барча бўш жойларга мевадиди дарахтлар экилган. Юрбошимиз таъкидлаганларидек, Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ваътан саналган. Дарҳақиқат, оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий қадриятларнинг ривожини таъминловчи, маънавий ва жисмоний баркамол авлод тарбияловчи асосий, муқаддас даргоҳдир. Давлатнинг, жамиятнинг фаровонлиги, гуллаб-яшнаши эса айнан шу оила пойдеворини мустаҳкамликка боғлиқ.

Биз Собир Раҳимов туманидаги тахтапул маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Азиз Абдуллаев билан сўхбатлашганимизда қуйидагилардан воқиф бўлдик: «Маҳаллада яшаётган барча фуқароларнинг ҳаёти давомида юзага келадиган қўлпа кийин муаммоларни ўзимиз маҳалла аҳли билан ҳамжиҳатликда ижобий ҳал қиламиз. Биз Тошкент шаҳар худудидан биринчилардан бўлиб, тўй ва бошқа маросимларда бўладиган ортикча харажатларга барҳам бериб, уларни кичик, ихчам қилиб ўтказмоқдамиз. Айниқса, ёш болаларнинг бўш вақтларини беқорга ўтказмасликлари учун қўллаб-қўлланган.

Маҳалламизда ишни амалга ошириш учун маҳалла худудидан яшаётган тадбиркорларга бериладиган кредитларнинг илоҳи борица кам фоизи, имтиёзли қилинса, уларнинг маҳаллага кўрсатадиган молиявий ёрдами самарали бўлиб, маҳалланинг янада обод, кўркам, мустаҳкам бўлишига хизмат қилар эди.

Маҳалламизда ишни амалга ошириш учун маҳалла худудидан яшаётган тадбиркорларга бериладиган кредитларнинг илоҳи борица кам фоизи, имтиёзли қилинса, уларнинг маҳаллага кўрсатадиган молиявий ёрдами самарали бўлиб, маҳалланинг янада обод, кўркам, мустаҳкам бўлишига хизмат қилар эди.

Биз Собир Раҳимов туманидаги тахтапул маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Азиз Абдуллаев билан сўхбатлашганимизда қуйидагилардан воқиф бўлдик: «Маҳаллада яшаётган барча фуқароларнинг ҳаёти давомида юзага келадиган қўлпа кийин муаммоларни ўзимиз маҳалла аҳли билан ҳамжиҳатликда ижобий ҳал қиламиз. Биз Тошкент шаҳар худудидан биринчилардан бўлиб, тўй ва бошқа маросимларда бўладиган ортикча харажатларга барҳам бериб, уларни кичик, ихчам қилиб ўтказмоқдамиз. Айниқса, ёш болаларнинг бўш вақтларини беқорга ўтказмасликлари учун қўллаб-қўлланган.

Наҳом ШЕРМУҲАММАД

гулланишларига имкон яратмоқдамиз. Менинг фикримча, маҳалла ошад, фаровон бўлиши учун ҳамда фуқаролар ҳаёти тартибда бўладиган мураккаб муаммоларни чоп-чопсиз, ўз жойида ҳал қилиш учун маҳалла оқсоқолларининг ваколатини ошириш керак. Чунки барча муаммолар молиявий маблағга бориб тақалади.

Маҳалламизда ишни амалга ошириш учун маҳалла худудидан яшаётган тадбиркорларга бериладиган кредитларнинг илоҳи борица кам фоизи, имтиёзли қилинса, уларнинг маҳаллага кўрсатадиган молиявий ёрдами самарали бўлиб, маҳалланинг янада обод, кўркам, мустаҳкам бўлишига хизмат қилар эди.

Маҳалламизда ишни амалга ошириш учун маҳалла худудидан яшаётган тадбиркорларга бериладиган кредитларнинг илоҳи борица кам фоизи, имтиёзли қилинса, уларнинг маҳаллага кўрсатадиган молиявий ёрдами самарали бўлиб, маҳалланинг янада обод, кўркам, мустаҳкам бўлишига хизмат қилар эди.

Наҳом ШЕРМУҲАММАД

Санъат

ХАЛҚ — ИҚТИДОРЛАР БУЛОФИ

Халқимиз санъатсевар халқ, санъатсевар бўлганда ҳам эшити билмиш санъатига эга, гидролик, талабчон халқ «Хувейдо» маҳалласидан Наҳиддин деган отахонимиз радиодан бериладиган «Жавоҳир» эшиттиришининг ҳеч бирини эътиборсиз қолдирмайди. Агар санъатсевар инсонларни «муҳлислар кенгаши» азоси деб билсан, отахонини шу кенгашнинг раисига қиёс қилсан хато бўлмайди. Санъатнинг қайси бир жанри бўлмасин ҳар бирининг ўз жоизбаси, ўз муҳлислари бор. Наҳиддин ота мумтоз қўшиқлар шайдоши. У кишининг қўлига газалларни ёддан билишларига қойил қолган.

Мен ҳам унча-мунча музиканинг, қўшиқ матнининг қандайлиги, хонандларимизнинг қўшиқ сўзларини бузиб қўйлашларига эътибор берман. Дейлик, «Ер-ёр» фильмида «Кўчалар» қўшиғи бўлиб, бу қўшиқнинг қўйи низоҳатда ажойиб ёзилганидан унинг киши руҳини кўтариб, шаҳримизнинг гўзаллигини, кўчаларнинг оидин тунда ажойиб кўринишга эгаллигини шундоққина кўз олдингизга келтиради. Бу қўшиқ ёшларимиз томонидан қайта тикланди, клип қилинди. Унда бир йигит трамвайнинг олдига тушиб олиб, куппа-кундуз кўни «Кўчалар, кўчалар, оидин кўчалар» дея қўйлайди. Менимча, бу қўшиқ ўз руҳини йўқотиб қўйди, мафтуркорлиги, таъсирчанлиги сезилмай қолди.

Шунга ўхшаш мисолларга мурожаат қилсак, «Еввойи тановар»ни кўпчилик хонандаларимиз яхшигина қўйлашди, лекин «Ушал ёринг гамдин озода бўлса» дея қўйлашди. Гамдин озода бўладими? Озод бўлмайди? «Миллатлар, элатлар она заминда ҳаммаси ҳазрати инсон бўлади» дея хонан қилиши керак бўлган хонанданинг

«миллатлар хелатлар» дегани нимаси? Хонандаларимизнинг «Маъдан шаҳри Олмалик»ни «Маъдан шаҳри Олмалик», «Менга район аъло» дегани иборани «Ким атирғул шайдоши, мен учун раҳон ало» дея талаффуз қилишига нима дейиш керак? Бир пайтлар «Мархабо, талантлар!» танловини халқимизга ўлмас Саиджонев, Оролмурод Сафаровдек ажойиб, шириннафас истеъдод эгаларини берган эди. Бу ҳофизларимиз гурурумиз, фаҳримиздир.

Кўни кеча телевизор орқали «Қизлар давраси»ни кўриб, Фаргона Политехника институтини талабаларининг ширинсуханлиги, чеварлиги, пазандалиги, қавандоз мерганлигига қойил қолган бўлсак, уларнинг санъатсеварлиги, ўз урнида ажойиб истеъдод эгалари эканлигининг ҳам гувоҳи бўлдик. Мен уларнинг рақсини кўриб, хонанларини мароқ билан тинглаб, ҳарқалай санъаткор хонандаларимиз раққосларимиздан қолишмасликларига амин бўлдик.

Демокчиманки, бир пайтлар «Мархабо, талантлар!» истеъдод эгаларини танлаб берган бўлса, «Қизлар давраси» жаннатмақом Ўзбекистонимизнинг дилбар қизлари нималарга қодир эканлигини жаҳонга намойиш қилди. Улар Ваътанимизнинг равақи йўлида жамиятимизга эътиқод-ла хизмат қиладиган ватанпарвар бўлиб етишадилару савдоқатда, вафода тулун ой каби нур сочиб, бир умрга муҳаббат қўйин қуйларканлар, унга ором-бухалар ала қўйиб, чарогон оилани шарафлайдилар. «Қизлар давраси» ижодкорларига миннатдорчилик билдириб, келгуси ишларидан муваффақиятлар тиламан.

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ.

ЖАННАТИ ҚУРДИМ НЕЧА ИЛИ ХУРСИЗ

ТОҒЛАР БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

Беором шаҳарга, автолар тўққини
Жўш урган маконга
Қайтамиз — иложсиз!
Забт этган чўққидан
тушамиз ўқиниб,
Тоғларда қолдириб,
тоғларда қолдириб қалбимиз.

Э, бефойда баҳсларни кўйинг, —
Икром бўлдим ўзим, ўртоқлар:
Тоғдан афзал бўлиши мумкин,
Қадамимиз етмаган тоғлар.

Танҳолик гамини ким
истар кулфатда,
Ким кетар англамай
дианинг даъватин?
Аммо биз тушамиз забт
этган чўққидан ...
Найлуж — худолар настилаган
бу замин.

Э, бефойда баҳсларни кўйинг, —
Икром бўлдим ўзим, ўртоқлар:
Тоғдан афзал бўлиши мумкин,
Қадамимиз етмаган тоғлар!

Қанча сўз, умидлар
уйғатар бу тоғлар,
Ундайди қолишга
гоҳ мавзу бериб қарз.
Аммо ким бир йилга тушади
тоғлардан,
Ким эса мангува,
зероки қайтиши фарз.

Э, бефойда баҳсларни кўйинг, —
Икром бўлдим ўзим, ўртоқлар:
Тоғдан афзал бўлиши мумкин,
Қадамимиз етмаган тоғлар!

От сураман ярим шашт билан,
Қалқоним йўқ, танбал бир отда.
Масхаробоз сингаридурман-
Ғазаланган баҳодир қайда?!

Тудаларга ёриб кирганман
Бир гал буюк князь сингари,
Йиқилмасдан, букрилмасдан
Эзилганча хиёлавлари.
Бирок бу кун келиб биқиндан
Найза билан йиқилди ногоҳ.

Қамчи билан сийланган отим
Сакрашани кўрганам — азоб.
Суворидлар хунук ҳай-ҳайлаб,
Пойлаганда ўққа нозик жой.
Мен ландавур буюк князга
Тенглашмоқчи бўлган, ҳойнаҳой!

Энди жангда бўлалман ўлиб,
Четлаштимки жангевар шидан.
Химоям йўқ, — кўйилди олиб,
Найза, ўқу, на темир тишдан.
Ойболтамнинг тўмтоқдир учи,
Қўлим боғлиқ, сассоқ поҳолада —
Бир ноҳўл қилғим учун
Махкум бўлдим мангу шў ҳолада.
Сўйишгача бердилар изи,
Сотқин дея лашкар қошида.
Қонли шашир ўйнаши тайин,
Бир кун зўнлар ичра қад ростлаб,
Қороўлинг қўли боғарман.
Сурувдан энг ёмон от таллаб!
Кенгликларга ўзи чоғларман!
Янғроқ, жוליб жанга кирарман,
Бу жанг асло кечмағай мансиз.
Князь тўпини ўтгум баҳридан,
Лозим бўлса, юрғум самансиз!

ЯНГИ ЗАМОН ҲАКИДА ҚЎШИК

Тунда даъват бонидек одимларнинг залвори,
Демак кетар он яқин, яна Сўзсиз хўшлайшув.
Юрчиман сўжмоқдан от сувар тўп суворий
Оқибати ноаён сафарга гувоҳ ... гулув.

Узгачидур давримиз, аммо ҳамон Бахт танқис,
Ортидан қулаб унинг ёнамиз, бўламиз чўғ.
Энг сара дўстларни биз бой берганимиз
Талотўп кўпқарида қарасак - дўстимиз йўқ!

Ҳали кўп ёдунги биз ёнгинга йўндирмиз,
Этиқ садоси узок музлар баҳси этар танга.
Болалар ўйинида уруш бардавон ҳануз,
Ҳамон биз қавимизни бўламиз дўст, душманга!

Ҳар ён вайрон сўхта, йиллаб ёш битса бир кун,
Туларимиз сурондан безиб чарчаган кезда.
Шинелин ечиб қизлар қўйлақ кийганда гулув
Қанийди кечиролсак... ўтмишни тутсак эсда!..



Владимир ВИССОЦКИЙ

ОКЧА ХАММОН

Бекам, менга ҳаммомни қиздир,
Уни ўтга тоблаин бу он.
Ху, кунжақда чўзлаган кўйи
Шубҳаларга келтирай қирон!

Орта қолди совуқ чангали,
Бас, деганча буламан лоҳас,
Чан кўксимда шахса сизини
Замонда чизилган бир кас.

Қиздир ёруғ ҳаммомни, бека,
Нурга ташна кўп кездим кеча.
Қайноқ буғ мен бабдўйининг балки
Тилимдаги тузунни ечар.

Қанча ишонч, дарахт қулади,
Қанча қайғу, йўл кечдик инграб.
Чан кўксимда ўртоқ Сталин,
Маринканинг рухсори ўнгда.

Эҳ, орзу, эпитоқим деб,
Жаннат кўрдим неча йил хурсиз.
Нурафрон бир аҳмоқлигимга
Мен алмашдим умримни — нурсиз!

Қиздир ёруғ ҳаммомни, бека,
Нурга ташна кўп кездим кеча.
Қайноқ буғ мен бабдўйининг балки
Тилимдаги тузунни ечар.

Кетдим, Рассейда қолмади жисим,
Йиллаб қолди мени ёттирган қизлар.
Энди уруғимни бағрига олар
Елсей боғида сочлаган излар.

Пресидо ким дер трамвайда бот:
— Ниҳоят, жуфтани урибди, ҳа, йўқ!
Версадаги сарой ҳақидаги ёт
Шеърин ўша ерда ёксин, кўнглим тўғ!

Танқиса ўтирсам, гудраб ортимдан:
— Кетган бошқа жеп, — дейишар. — Сура...
— Э-э, бошқа денг?...Қарашиб зимдан
Миш-миш ижодкорин сўқиса ўрар.

Фўқаро жангида бирга бўлаганам,
Бирга Маадаида ўтирганим - чол:

Ёрдам сўрдим акамдан пича,
Ёдимда субҳ маҳали бирда,
Шунда икки пўрим қўриқчи
Олиб кетди мени Сибирга.

Сўнг карьерда қилиб ёдним,
Кўз ёллашиб, зах ёб жисмлар.
Сезсин дебми дуд фарёдин
Қалб устига чиздик расмлар.

Қиздир ёруғ ҳаммомни, бека,
Нурга ташна кўп кездим кеча.
Қайноқ буғ мен бабдўйининг балки
Тилимдаги тузунни ечар.

Эҳ, вайсақи ҳикоят боис,
Буг фикрни қувар ақлимдан.
Совуқ кечими ёддан қайноқ
Кучоғига чорлайди туман.

Бадном бўлдим ноҳақ, безуноҳ,
Нурга ташна кўп кездим кеча.
Қайноқ буғ мен бабдўйининг балки
Тилимдаги тузунни ечар.

Қиздир ёруғ ҳаммомни, бека,
Нурга ташна кўп кездим кеча.
Қайноқ буғ мен бабдўйининг балки
Тилимдаги тузунни ечар.

“Ваня, мен Парижда, сен ҳам кел, ишим”, —
Ден хат ёганим ҳақда очар фол.

Қайтишни икки ётган эмишман,
Йиллаб, ёлғориб, бўлмиш кўзим дўғ.
Кўнглимга келмасам керак,
Чўнқи хал-бери кетганим ҳам йўқ!

Айрилар совгага қилар шора,
Кинодаги каби хуш бир ниҳон,
Кел, олин, сенгадир Зафар минора!
Рено заводини, олсанг — кифол!

Мен ётиб қуламан, қотиб қуламан,
Қандай ишонингиз ивгоза — мувҳам?
Асло кетганим йўқ,
Безовта бўлманг,
Умид ҳам қилмангиз, кетмаганим ҳам!

ҚОҲЛАР БАРДОШИ ШАМОЛГА БАРДОСИЗ ДОВОНДА

Кимсаннинг оёғи етмаган
кунжақда серитоб,
Яшаркан тоғдаги
Акс-садо қувончу омонда
Одамлар сасига
жавобан қиларкан
у хитоб.
Ёлғизлик бўзгинга
жам бўлиб тиқилса,
лабиндан
Пажмурда нола жим
жарликка йиқилса
ногоҳон,
Акс-садо ёрдамга
чорловга етаркан,
қутариб,
Йироқроқ этаркан —
атрофга ўрларкан
Илтижо!
Ароқ ва гижға
ўрangan бадният
жонзотлар
Жовид жон қасдида
боғламини Акс-садо
қўлини.

ОТИЛГАН АКС-САДО

Сездирмай пайт пойлаб
озгиса тиқдилар
бир бало
Уни учирдилар,
жарангинг кесиб умр
йўлини!
Тун бўйи, тинмади,
тинмади қонли бу
жараён
Топташди: Акс-садо,
бирор ун бермади
ҳеч кимга

Азонда отишди:

жон берди тоғдаги
Акс-садо...
қурсанлар —
Ярадор қолдан
кўз ёдик думалар
тошлару
харсанлар,
Ярадор қолдан
кўз ёдик думалар
тошлару
харсанлар,
Ярадор қолдан кўз ёдик
думалар тошлару
харсанлар...!
Амиркул КАРИМ
таржимаси.

Фикр

ХУЛОСАНИ КИМ ЧИҚАРАДИ?

Оммавий ахборот воситалари — муҳбир ва журналистлар малакасини ошириш ҳаётий зарурат эканлиги тўғрисида, айниқса кейинги пайтларда кўп гап-сўзлар бўляпти. Бу тўғрисида “Хуррият”да ҳам бир неча чиқишлар бўлди. Газетанинг ўтган йил 5 июн сонидан чоп этилган ЎзМУ доценти Толиб Эрнарзоровнинг “Малака ошириш зарурати” сарлавҳали мақола-си ана шуларнинг биридир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, домланинг мақола-сини зўр қизиқиб ва мамнуният билан ўқиб чиқдим. Эътирозлар, фикрлар, мулоҳаза ва таклифлар ўринли. Буни мен кичкина бўлса-да бир ижодий жамоа раҳбари сифатида ҳаётий тажрибамга

таъниб айтаялман. Бугунги кун журналисти, радио ва телевидение ходими шиддаткор замон билан тенг кадам ташлаши учун ўз усиди ишлаши, яъни яқка тартибда ўқиб-ўрганиши камлик қилади. Бугунги кунда талантли ва истеъдодли адабиётшунос, тилшунос, сиёсатшунос, шунингдек бой ҳаётий тажрибага эга бўлган кеска журналист, радио ва телевидение ходими суҳбатига, чуркур таҳлил асосида қурилган маърузасига, фойдали фикр-

мулоҳазадарига муҳтож. Буни мақолада таъкидланганидай, теле ва радио эшиттириш ҳамда кўрсатувлардаги бошловчи журналистлар тилидаги гализ, баъзида тушунарсиз сўзлар, гапта муҳбирларининг гар тузиш ва бўғин кўчиришдаги юмшоқ қилиб айтганда, “нўнок”ликлари ҳам исботлаб турибди. Агар бу фикрга шубҳа билдирувчилар бўлса, марказий матбуотдан тортиб то туман газеталари (тармоқ газеталарини айтмай қўя қолай) гача таҳламларни

бир варақлаб чиқисин, теле ва радио эшиттиришларни, кўрсатувларни қузатиб борсин. Ана шуларни қуриб, кузатиб журналист малакасини ошириш зарури ёки йўқ, деган савол қўндаланг бўлади. Менимча жуда зарур. Аммо бу ишни бошида туриши керак бўлган тегишли ташкилотлар раҳбарлари негадир жим. Тўғри, пойтахт ва унга яқин вилоятлар журналистлари учун семинар ёки қисқа муддатли ўқувлар бўлаётганини эшитамиз. Аммо узок вилоят ва туманларда бу борода бирон кўзга қўринарли иш қилинмапти. Ана шуниси чатоқ-да!

Аҳмаджон РАҲИМОВ,
“Урганч ҳақиқати” газетаси муҳаррири

Тафаккур

ФИКР — ЎЗЛИК БИЛАН ИХТИЛОФ НАТИЖАСИ

Мен ўзимни фикр сифатидагина билман, аммо сўзсиз, ўзимни мия сифатида билмаганим йўқ.

Рене ДЕКАРТ.

Санъатга меланхолик ва отарил даражада бахтсиз одамлар керак.

СТЕНДАЛЬ.

Ижод бу озод бўлиш демократия. Зеро Хамнезуй бежизга “мен бу ҳақда ёдним — кўп нарсдан озод бўлдим”, деганган.

С.ИВАНОВ.

Фикрлаш — ўзинг билан сўзлашини, ўзини тинглаш деганидир.

И.КАНТ.

Исботлаш учун икки шахс керак. Мутафаккир исбот қилиш учун иккига бўлинадди, ўзи-ўзига қарши чиқади. Фикр ана шу ўзлик билан иктилофни бошдан кечирган ва юлиб келгангина исботланган ҳисобланади... Мутафаккир ўзига мухолиф бўлган учун ҳам диалектикдир. Ўз фикрига шубҳа билан қараш — юксак даражадаги санъат ва кудратдир.

ФЕЙЕРБАХ.

Менинг кўп вақтдан бўли уйлашимча, инсониятда ёзувчилик суҳбатдоши ва дўста қондирилмаган эҳтиёж “қайғуси” туйғайли пайдо бўлган...

А.УХТОМСКИЙ

Ҳажвия

А В В А Г Г И Л А Р Г А Й Х Ш А М А С

Ҳа, ҳозирги уйларнинг зиналари худаям катта-катта. Биринчи қават билан иккинчисининг орасидаги масофа илгариги уйларникидан анча фарқ қилади. Улардан юқорига кўтарилиш қанчалар машаққат эканини бир тасаввур қилсангиз эди.

Газета ва журналлардаги харфлар ҳам бошқача, олдингида эмас, жуда майдалашиб кетган. Бирон нарсани кўзайнаксиз ўқиб бўлмайди. Биров ўқиб берса ундан ҳам ёмон: ҳеч нарсани тушунмайман.

Умуман, ҳамма нарса ўзгариб кетган.

Мана, вокзални олайлик. Илгари уйим билан ораси бир кадамдек туюларди. Ҳозир-чи? Масафа икки маротаба узоклашиб кетган-дек.

Йўллар ҳам уйдим-чўйдим, ўнқир-чўнқир, паст-баланд, илгари теп-текис эди-я.

Поездлар ҳам олдингидай жадвал бўйича эмас, ундан анча олдин жўнаб кетади. Ахир менинг ёшимда унга етиб олиш осонми? Йўлбошловчининг хабари эса туманда қолгандай. Қачон тушиб қолишимни биллиш учун ёнига ўн марта-лаб бориб келишга тўғри келади. “Кейингиси меникимми?” — сўрайман ундан харгал. У бўлса, ҳали бор, деб қўя қолади. Бундай одамга ишониб бўладими?

Шунинг учун пальто ва

шляпани кияманда, жомадими олиб танбурга чиқиб кутиб тураман. Айрим ҳолларда ўзимга кераклик манзилдан бир-икки станция олдин тушиб қолган пайтларим ҳам бўлган. Ҳа, нимасини айтасиз, худаям кўп нарса ўзгариб кетди. Кийимларни олайлик: шимла-

йил коллежни тамомлаганлар йигилишидик. Вой-бў, уларнинг қариб кетганини кўриб ҳайрон қолдим.

Қариялар-эй... Мени ҳам танишмади. Биттасига:

— Салом Жорж, намунча семриб кетдинг, — десам, у:

— Ҳа-а, ҳаммасига овқат айбдор, овқат сабабчи, озик-овқатлар ҳам олдингида эмас, — дейди.

— Мартини ичасанми? — дедим унга.

— Майли, — эътироз билдирмади Жорж. Биз яна икки мартини буюрдик.

— Менга қара, Жорж, — дедим гапни давом эттириб. — Сен ҳали ҳам блек-ботга рақсга тушсанми?

— Кўраясан-ку, бундай вази билан илгаридека ҳаракат қилишим қийин.

— Яна мартини ичасанми? — Йўқ.

— Мартинилар ҳам жа ўзгариб кетибди. Ўткирлиги сусайиб кетган. Олдинги мартинилар қанақа эди-я.

Эртасига эрталаб ваннахонада соқол олаётим яна Жоржини эслаб кетдим. Бечора Жорж. Қанча йиллар ўтибди-я.

Бирдан кўзгуда ўз аксини кўриб ҳайратга тушдим. Тавба, ойналар ҳам олдингида эмас... Қанақадир... қийишқими-ей...



Насриддин БОТИР таржимаси

Voice of America Америка овози

www.voanews.com/uzbek

- Дунё хабарлари
 - Америка ҳаётинан лавҳалар
 - Кўнма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар
 - Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи кадриятлар
 - АКШ ва Марказий Осиё муносабатлари
 - Вашингтон-Тошкент алоқалари
 - Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасида жараёнлар
 - Терроризмга қарши кураш босқичлари
 - Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар
- Буларнинг ҳаммаси “Америка овози” радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида

Эшиттиришларимиз ҳар кун алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30—18.00 ва 20.00—20.30 оралиғида эфирга узатилади.

Америка овози

Радиосини қисқа тўлқин — УКВ
17.30 — 18.00да 15470, 17555, 17730 кНгдда 19 ва 16 метрларда;
20.00 — 20.30 да 7295, 9745, 15255 кНгдда 41, 31 ва 19
шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерца
ва Уш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.

Америка овози

БУ СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ

МУРОЖААТ УЧУН
VOA UZBEK SERVICE Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA
Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368
uzbek@voanews.com

Қутлов

«ОРИАТ — ДОНО» ИККИ ЁШДА

2000 йилнинг 17 декабрида илк бора эфирга чиққан “Орият Доно” шу йилнинг январига келиб иккинчи халқаро канал “Орият FM” радиосини ишга туширгач, эшиттиришларини фақат ўзбек тилида эфирга узатиш имконига эга бўлди. Шунинг билан мумкин, ҳали ёш бўлишига карамай,



йўлида тинимсиз изланишлар олиб боришмоқда. Ва бу йўлда баъзи натижаларга эришилди ҳам.

Биз юқоридега бошқа бир ҳақиқатни ҳам тилга олиб ўтдик. Яъни жумлалардаги гализлик, иборалар қўллашдаги палапартишлик ва ҳоказо. Гарчи байрам арафасида камчиликларни шаллоқдай юзга ёпиштириш ноҳожиз бўлса-да, бир ақидага амал қилган ҳолда икки оғиз фикр билдириб ўтамиз. Ақидани, дўст ачитиб гапирди, деган.

“Аржей” киз-йигитларнинг бу қадар сўзини гариблаштириб юбориши, кўпроқ уларнинг ўз нутқи уларнинг баъдий китоблар мутолаасидан бирмунча узоклашиб қолганликлари туйғайлидир. Сўз бойлиги ошиши учун китоб энг қулай қўлланма эканини “аржей”ю “диджей”лар унутмасликлари керак. Яна бир маъсулият ҳис қилинмоги лозимки, сининг тингловчингиз тўртта-бешта ўзингиз қатори ошна-оғайнларингиз эмас, балки сўзини нозик илғаб олувчи калқидир.

Мухими, “Орият-Доно” ҳамон изланишда. Биз радионинг икки ёшлик тантанасида катнашиб, ижодкорлар билан бевосита мулоқот давомида бунга амин бўлдик.

Шоҳида ЭШОНБОВА.

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Ассоциация «ВМВ» (г. Ташкент) сообщает о ликвидации предприятия. Все претензии будут приниматься в течении 2-х месяцев.

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир: Амиркул КАРИМОВ

Тахрир хайъати: Турсунали АКБАРОВ (махсус муҳбир), Хуршид ДЎСТМУХАММАД, Азамат ЗИЕ, Абдуқадир ИБРОХИМОВ, Наим КАРИМОВ, Исмаил ХУДОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚУЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 41-52-72.

Индекс: Яқка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида босилди. Манзил: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Давлатжон ПОЛВОНОВ
Мусаҳҳих: Мухиддин АБДУРАСУЛОВ
Тошпириш вақти — 21.00
Тошпирилди — 20.00
Буюртма — Г - 68
Адади: 3657

Тахририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.